

**MCHJ shaklidagi «FINAN TAX PRIME» auditorlik tashkiloti**

**«NAVOIYAZOT» aksiyadorlik jamiyatining  
2025 йил 01 январдан 2025 йил 31 декабр кунигача бўлган давр учун тузилган  
молиявий ҳисоботлари ва бошқа маълумотларни аудит текширувидан ўтказиш  
натijasida олинган маълумотлар асосида тузилган**

## **АУДИТОРЛИК ҲИСОБОТИ**

**Навоний - 2026 йил**

## Мундарижа

### 1. Кириш қисми:

- 1.1. Аудиторлик ташкилотининг реқвизитлари;
- 1.2. Аудиторлик фаолиятини амалга ошириш учун лицензия рақами ва санаси;
- 1.3. Аудиторлик текширувини ўтказишда иштирок этган аудиторлар ва бошқа мутахассислар туғрисида маълумот;
- 1.4. Аудиторлик текширувини ўтказиш учун асос;
- 1.5. Хўжалик юритувчи субъект фаолиятининг умумий тавсифи.

### 2. Аудиторлик ҳисоботининг таҳлилий қисми :

- 2.1. Аудиторлик фаолиятининг миллий стандартлари;
- 2.2. Хўжалик юритувчи субъект ички назорат ҳолатини текшириш натижалари
  - 2.2.1. Ички назорат тизимининг хўжалик юритувчи субъект фаолиятининг миқдослари ва хусусиятига мувофиқлигининг умумий баҳоси;
  - 2.2.2. Аудиторлик текшируви давомида аниқланган ички назорат тизимининг хўжалик юритувчи субъект фаолиятининг миқдослари ва хусусиятига номувофиқлиги умумий баҳоси;
- 2.3. Бухгалтерия ҳисоби ҳолати ва молиявий ҳисоботни текшириш натижалари
  - 2.3.1. Бухгалтерия ҳисобини юритиш ва молиявий ҳисоботни тузишнинг белгиланган тартибига риоя қилинишини баҳолаш;
  - 2.3.2. Аудиторлик текшируви давомида аниқланган бухгалтерия ҳисобини юритиш ва молиявий ҳисоботнинг тайёрлашнинг белгиланган тартибини жиддий бузилишлар баёни;
- 2.4. Молия-хўжалик фаолиятини амалга ошириш пайтида қонунчилик талабларига риоя этилишини текшириш натижалари:
  - 2.4.1. Хўжалик юритувчи субъект амалга оширган молия- хўжалик операцияларининг қонунчиликка мувофиқлигини баҳолаш;
  - 2.4.2. Аудиторлик текшируви давомида аниқланган хўжалик юритувчи субъект амалда молиявий – хўжалик операцияларининг қонунчиликка жиддий номувофиқликлари баёни;
- 2.5. Солиқ ва бошқа мажбурий тўловларни ҳисоблаш ва тўлашнинг тўғрилигини текшириш натижалари:
  - 2.5.1. Тузилган ва тегишли органларга тақдим этилган солиқлар ва бошқа мажбурий тўловлар тўғрилигининг баҳоси;
  - 2.5.2. Солиқлар ва бошқа мажбурий тўловларни ҳисоблаш ва тўлашнинг белгиланган тартибини бузиш фактлари, солиқ солинадиган базани белгилаш пайтидаги четга чиқишлар баёни;
- 2.6. Активларни текшириш натижалари

### 3. Яқуний қисм

- 3.1. Аниқланган четга чиқишлар ва ҳуқуқ бузулишларини бартараф этишга доир тавсиялар;
- 3.2. Хўжалик юритувчи субъектнинг молиявий-хўжалик фаолиятини самарадорлигини оширишга доир тақлифлар ва маслаҳатлар.



## 1. Кириш қисми.

Ушбу ҳисобот МСНЖ shaklidagi «FINAN TAX PRIME» auditorlik tashkiloti томонидан тайёрланди.

Аудиторлик текшируви Ўзбекистон Республикаси “Аудиторлик фаолияти тўғрисида” ги Қонун, Аудиторлик фаолиятининг Миллий стандартлари, корхона, ташкилотларда аудиторлик текширувидан ўтказиш тўғрисидаги амалий қўлланмалар, ҳамда Ўзбекистон Республикаси “Бухгалтерия ҳисоби тўғрисида” ги Қонун, Бухгалтерия ҳисобининг миллий стандартлари ва Ўзбекистон Республикасининг бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларига асосан ўтказилди.

Бухгалтерия ва молиявий ҳисоботларни тайёрланиши ва ҳаққонийлиги учун, шу жумладан уларда маълумотлари акс эттирилган бошланғич ҳужжатлар маълумотларининг ҳақиқийлиги, бухгалтерия ёзувлари ва ички назоратни тўғри юритилиши, ҳисоб сийёсатини тузиш ва қўлланиши бўйича мазкур хўжалик юритувчи субъект раҳбарияти жавобгар ҳисобланади. Аудиторнинг вазифаси тузилган молиявий ҳужжатларга ўз ҳулосасини баён этишдан иборат.

Текшириш даврида қуйидаги ҳужжатлар тақдим қилинди: бухгалтерия баланси ва унга иловалар, давлат бюджетига тўловлар ҳисоботи, банк кўчирмаси, ҳисоб фактуралар ва бошқа ҳужжатлар.

Ички назорат ҳолатини текшириш аудит танлов йўли билан ва айрим ҳолатларда тўлиқ текшириш ўтказилди. Танлов аудиторлик рисксини кам даражагача пасайтириш зарур чораларни кўриш билан амалга оширилди. Танлов микдорини аниқлашда асосий диққат эътибор солиқ ҳисоблаш билан боғлиқ ҳисоб варақаларга қаратилди.

Биз аудиторлик текширувини АФМС ларига мувофиқ ўтказдик. Ушбу стандартлар биз фойдаланувчиларни молиявий ҳисобот жиддий бузилишларга эга эмаслигини етарлича ишонч билан таъминлашимиз кераклигини тақозо этади. Аудиторлик текшируви ҳаққонийликни ва молиявий ҳисобот ҳамда бошқа молиявий ахборотнинг қонун ҳужжатларига, шунингдек молия – хўжалик фаолиятининг ҳақиқий ҳолатига мувофиқлигини баҳолашга асосланади. Биз томонимиздан ўтказилган аудиторлик текшируви фикрни ифодалаш учун етарлича асослар беради деб ўйлаймиз.

### Аудиторлик ташкилотининг реквизитлари.

МЧЖ шаклидаги «FINAN TAX PRIME» аудиторлик ташкилоти

Юридик манзил: Бухара, Каракул туман, Каракул МФЙ, Ўтик Дўрман кўчаси, 66-уй Тел: 913390924

Банк ҳисоб рақам: 20208000507374724001 Банк: НАВОИЙ Ш., "INVEST FINANCE BANK" АЖ НАВОИЙ ВИЛОЯТ ФИЛИАЛИ МФО: 01148

СТИР: 312696489 ҲҚКПдаги шахсий ҳисобварак: 20-10-01-0574392-860-001

Аудит ўтказишга асос: Электрон тизимда (Электрон дўкон) 14.04.2026 йилдаги (лот № 261210085061970 ) ўтказилган электрон давлат харидлари натижаси бўйича товар етказиб бериш тўғрисида шартнома 4357071

Директор-аудитор: А.А.Закиров .

Аудиторлик текшируви «NAVOIYAZOT» aksiyadorlik jamiyatining бош директори Ф.Самадов хабардорлигида ва бош ҳисобчи Ҳ.А.Чўттиев иштирокида ўтказилди.

Аудиторлик текшируви 14.04.2026 йилда бошланиб, 22.04.2026 йилда яқунланди.

Хўжалик юритувчи субъект «NAVOIYAZOT» aksiyadorlik jamiyati фаолиятининг  
умумий тавсифи

«NAVOIYAZOT» АЖ (кейинги матнларда «Жамият» деб юритилади) Навоий шаҳар давлат хизматлари марказидан 17.07.2014 йилда №172-сонли рақам билан руйхатга олинган ва юридик шахслигини тасдиқловчи №0167 рақамли гувоҳнома олган. Унга кўра жамият юридик шахс ҳисобланиб, жамият ўз фаолиятини Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодекси «Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида»ги Қонуни, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2015 йил 24 апрелдаги «Акциядорлик жамиятларида замонавий корпоратив бошқарув услубларини жорий этиш чора тadbирлари тўғрисида»ги ПФ 4720 сонли Фармони ҳамда мазкур устав ва бошқа меъёрий ҳуқуқий ҳужжатларга мувофиқ олиб боради. Жамиятни муддат фаолияти чекланмаган.

Манзили: Навоий, Навоий шаҳар, Навои-5 Тел: 792291827 СТИР: 200002933 Ҳисоб рақам: 20-30-01-0013762-860-001 Ҳисоб рақам: 20210000000429662001 Банк: ТОШКЕНТ Ш., "УЗСАНОАТКУРИЛИШБАНКИ" АТБ БОШ ОФИСИ МФО: 00440

Жамият раҳбариятининг оғзаки тушунтиришларида жамиятнинг бўлимлари, шубба корхонаси, қарам ташкилоти мавжуд эмас.

### **Жамиятнинг мақсад ва вазифалари.**

Жамиятнинг асосий мақсади Ўзбекистон Республикаси бозор инфраструктурасини барпо этиш, саноат моллар билан фуқароларни ҳамда юридик шахсларни кафолатли таъминлаш, ташкилот фуқаролар, ҳамда мижозларга бозор хизматини кўрсатиш.

Жамият ўз мақсадларига эришиш учун қуйидаги фаолият турлари билан шуғулланади:

-тадбиркорларга саноат моллари сотиш учун сотувчиларга шарт шaroитларни яратиш;

-мижозларга меҳмонхона, умумий овқатланиш ва маиший хизмат кўрсатиш;

-амалдаги қонунчиликка зид бўлмаган бошқа фаолиятлар билан шуғулланиш.

### **Жамият Низом фонди**

Жамият ўз фаолиятини таъминлаш мақсадида «АКЦИЯДОРЛИК ЖАМИЯТЛАРИ ВА АКЦИЯДОРЛАРНИНГ ҲУҚУҚЛАРИНИ ҲИМОЯ ҚИЛИШ ТЎҒРИСИДА» ги Қонуннинг 20-моддасига мувофиқ Акциядорлик жамияти устав фондининг энг кам миқдори жамият давлат рўйхатидан ўтказилган санада Ўзбекистон Республикаси Марказий банкнинг курси бўйича тўрт юз минг АҚШ долларига тенг бўлган суммадан кам бўлмаслиги кераклиги кўрсатилган.

Жамиятнинг ягона таъсисчиси Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги томонидан 3 747 962,6 млн сўм устав фонди тўлиқ молиялаштирилган.

Жамият Ўзбекистон Республикаси еолик кодекси бўйича текширишга кирган даврида қуйидаги тартибдаги солиқлар тўловчиси бўлиб ҳисобланади:

- 1) Фойда солиғи.
- 2) Қўшилган қиймат солиғи.
- 3) Мол мулк солиғи
- 4) Ер солиғи
- 5) Сув солиғи
- 6) Жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғи.
- 7) Ягона ижтимоий тўлов.
- 8) Жамғариб бoриладиган нафақа жамғармасига ажратма;

Жамият ўз номидан мустақил равишда шартномалар тузиш, хизматлар кўрсатиш ва ҳисоб-китоб ишларини амалга оширади.

Жамият фаолияти қуйидаги норматив-меъёрий ҳужжатларга асосан тартибга солинади:

- Ўзбекистон Республикаси Конституцияси.

- Ўзбекистон Республикаси “Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида” ги қонуни.

- Ўзбекистон Республикаси “Бухгалтерия ҳисоби тўғрисида” ги қонуни.

- Ўзбекистон Республикаси “Солиқ кодекси”.

- Ўзбекистон Республикаси “Меҳнат кодекси”.

- Ўзбекистон Республикаси “Фукоролик кодекси”.

- Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Маҳсулот ( ишлар ва хизматлар) ни ишлаб чиқариш ва сотиш харажатларининг таркиби ҳамда молиявий натижаларни шакллантириш тартиби тўғрисида Низом”.

- Ўзбекистон Республикаси бухгалтерия ҳисобининг Миллий стандартлари.

- Ўзбекистон Республикасининг бошқа меъёрий- ҳуқуқий ҳужжатларига асосан.

бундан ташқари жамиятда ишлаб чиқилган ва тасдиқланган ички ҳужжатлар:

Жамият ҳисоб сиёсати: (жамиятда ҳисоб сиёсати тузиб қўйилган).

Жамиятда хўжалик молиявий муомилари белгиланган тартибда расмийлаштирилган шартномалар асосида юритилиб келинмоқда.

Ўзбекистон Республикаси «Хўжалик субъектларининг шартномавий ҳуқуқий базаси тўғрисидаги» 1998 йил 29 августдаги № 670-1 қонунининг 21-моддасига мувофиқ хўжалик шартномалари уларни имзолашга тайёрлаш жараёнида хўжалик юритувчи субъектларнинг юридик хизмати ёки жалб этилган адвокатлар томонидан қонун ҳужжатларига мувофиқлиги юзасидан текшириб кўрилиши кераклиги, шартномаларни уларнинг имзоларисиз тузишга йўл қўйилмаслиги, тарафлар хўжалик шартномаларини тузиш учун хўжалик юритувчи субъектлар юридик хизматининг ёки жалб этилган адвокатларнинг ёзма хулосасини олишга ҳақли эканлиги белгиланган.

Жамият ўз иш фаолияти давомида молиявий тўлов тартибини мустаҳкамлаш мақсадида қуйидагиларга амал қилишлари тавсия қилинади:

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1996 йил 24.01. даги № УП -1363 “Ўзаро ҳисоб- китоблар тизими ва тўлов тартибини мустаҳкамлаш тўғрисида”ги кўрсатмасига;

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1999 йил 12 майдаги №УП-1154 “Халқ хўжалиги корхона ва ташкилот раҳбарларининг хўжалик юритувчи субъектлар билан ҳисоб – китоблар ўтказишда маъсулиятини ошириш тўғрисида” ги кўрсатмасига.

Шартномалар тузишда «Хўжалик субъектларининг шартномавий ҳуқуқи базаси тўғрисидаги» 1998 йил 29 августдаги № 670-1 қонунига асосида тузиш, юристлар хулосаси ва визаси бўлмаган шартномаларни тузмасликлари тавсия қилинади.

Жамият молиявий ва хўжалик операцияларини мавжуд қонун, қоидалар асосида юритилишини таъминлаш устидан назорат ўрнатиш жамият раҳбариятига юклатилган.

Жамият раҳбариятининг оғзаки тушунтиришига кўра текшириш даврида бошқа жамият ташкилот ва хўжаликлардан жамиятга эътирозлар бўлмаган ва шу даврда жамият томонидан бошқа жамият ва ташкилотларга эътироз бўлмаган.

## 2. ТАҲЛИЛИЙ КИСМ.

«Аудиторлик текшируви даврида бухгалтерия ҳисоби ва ички назорат системасини баҳолаш» Ўзбекистон Республикаси аудиторлик фаолияти миллий стандарти № 12 (Ўз. Рес. Адлия Вазирлиги 12.04.2007 йил № 1673) бухгалтерия ҳисобини юритиш системаси, ички назорат системаси ўрганилиб, шу асосида аудиторлик текшируви қамрови, сарфланган вақт ва мақсад аниқланди.

### **Ички назорат ҳолати.**

Жамият молиявий ҳисоботлари бошланғич баҳолар асосида миллий валюта ЎзР (сўм) асосида тайёрланади.

Бухгалтерия ҳисобини юритиш жамият томонидан ташкил қилинган, молиявий ва бошқа ҳисоботлар тузилиб маҳаллий органларга топшириб келинмоқда.

Жамият бухгалтерия ҳисоби текширишга киритилган даврда ИС Бухгалтерия тизимида юритилган.

### **Ички аудит хизмати тўғрисида қисқача маълумот**

«Navoiyazot» АЖ да ички аудит хизмати Кузатув кенгашининг 2007-йил 23-мартдаги 29-сонли йиғилиш баённомасига асосан ташкил этилган. Ҳозирги кунда бўлимда 4-штат – ички аудит хизмати раҳбари ва 3 нафар аудиторлик штатлари мавжуд. Кузатув кенгашининг 18.06.2025-йилдаги 222-сонли йиғилиш баённомасига асосан аудиторлик штати танлов асосида тўлдирилган. Ички аудит ҳисоботлари ҳар чоракда кузатув Кенгашига тақдим этилган. Ички аудит тўғрисидаги қонун талабларига мос ҳисобот тайёрланган.

### **Ҳисоб сиёсати:**

Ўзбекистон Республикаси 1 сон Бухгалтерия ҳисоби миллий стандарти «Ҳисоб сиёсати ва молиявий ҳисобот» талабларига мувофиқ мулк шаклидан қатъий назар ҳар бир жамият ёки ташкилот Бухгалтерия ҳисоб ва молиявий ҳисоботлари стандарти асосида ҳисоб юритиш ва ҳисоботлар тузиш учун ҳисоб сиёсати тузиб қўйиш лозим. Ҳисоб юритиш ва ҳисоботлар тузиш амалдаги БҲМСларга мос келиши керак.

Ҳисоб сиёсати бухгалтерия ҳисобини юритиш усулларига хўжалик фаолиятидаги далилларни баҳолаш, уларни гуруҳлаш, активлар кийматини ақс эттириш, ҳужжатлар айланмаси қабули, инвентаризация, ҳисоб реестрлари тизими, ахборотларни ишлаш ва бошқа тизимларни ўз ичига олади.

Хўжалик юритувчи субъект раҳбари томонидан БҲМС лари асосида шаклланган ҳисоб сиёсати тақдим этилган молиявий ҳисоботларда турли йиллар учун молиявий кўрсаткичларни таққослаш имконини беради.

Хўжалик юритувчи субъект раҳбари ҳисоб сиёсатига асосан молиявий ҳисоботларни тайёрланиши ва тақдим этилиши учун маъсулдир.

«Бухгалтерия ҳисобида ҳужжатлар ва ҳужжатлар айлануви тўғрисида» ги Низомда (Ўз.Рес. Адлия Вазирлиги 14.01.2004 йил № 1297):

Жамиятларнинг бухгалтерия ҳисобида ҳужжатларнинг ҳаракати – (уларни тузиш ёки бошқа жамиятлардан олиш, ҳисобга қабул қилиш, ишлов бериш, архивга топшириш – ҳужжатлар айлануви) жадвал билан тартибга солинади.

Жамият раҳбари ёки у қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда тайинлаган шахслар жадвални тузиш буйича ишни ташкил этадилар. Ҳужжатлар айлануви жадвали жамият раҳбарининг буйруғи билан тасдиқланади.

Жадвал жамиятда оқилона ҳужжатлар айланувини таъминлаши лозим, яъни ҳар бир бирламчи ҳужжатнинг ўтиши бўйича ижро этувчиларнинг мақбул сонини назарда тутиши, ҳужжатнинг булинмада энг кам муддатда бўлишини белгилаши лозим.

Ҳужжатларни айлануви жадвали жамиятда бутун ҳисоб ишининг яхшиланишига, бухгалтерия ҳисоби назорат қилиш функциясининг кучайишига ёрдам бериши лозим.

Ҳужжатлар жадвалига риоя қилиш учун жавобгарлик, ҳамда ҳужжатларни ўз вақтида ва сифатли тузиш, бухгалтерия ҳисоби ва ҳисоботида ақс эттириш учун уларни ўз вақтида тақдим этиш, ҳужжатлардаги мавжуд маълумотларнинг ишончлилиги буйича жавобгарлик ушбу ҳужжатларни тузган ва имзолаган шахслар зиммасига юкланади.

Ижрочиларнинг жамият буйича ҳужжатлар айлануви жадвалига риоя қилишларини назорат қилиш жамият раҳбари ёки у қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда тайинланган шахслар томонидан амалга оширилади.

Жамиятда бошқаруви ички назорат ҳолати системасини ташкил қилиш ва қўллаш учун жавобгар ҳисобланади. Ички назорат системасини яхши ташкил қилиниши ва самарали қўлланилиши шунга боғлиқ.

Жамиятда ички назорат тизимининг фаолиятининг микёслари ва хусусиятига мувофиқлиги умумий баҳоси қоникарли.

#### Асосий воситалар ҳисоби.

Жамиятда асосий воситаларнинг аналитик ҳисоби юритилган, улар қайси турга мансублиги буйича юритилган. Жамиятда асосий воситалар моддий жавобгар шахслар жавобгарлигига беркитилиб, улар билан моддий жавобгарлик шартномаси тузилган. Асосий воситаларга эскириш ҳисоблаб, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар маҳкамасининг 1995 йил 5 - февралдаги 54 - сонли «Махсулот (ишлар, хизматлар) ни ишлаб чиқариш ва сотиш харажатларининг таркиби ҳамда молиявий натижаларни шакллантириш тартиби тўғрисида» ги Низомнинг 1-4 бандига асосан тегишли харажатлар ҳисоб варақасига олиб бориш тавсия этилди. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар маҳкамасининг 1995 йил 5 февралдаги 54 - сонли «Махсулот (ишлар, хизматлар) ни ишлаб чиқариш ва сотиш харажатларининг таркиби, ҳамда молиявий натижаларни шакллантириш тартиби тўғрисида» ги Низомнинг 1-4 бандига асосан тегишли ҳисоб варақаларга олиб борилган.

2025 йилда келиб тушган асосий воситаларнинг қиймати 135 628,21 млн сўмни, ҳисобдан чиқарилган асосий воситаларнинг қиймати 41 996,67 млн сўмни ташкил этган бўлса, ушбу даврда ҳисобланган амортизация суммаси 1 803 077,56 млн сўмни, чиқим қилинган асосий воситалар ҳисобига тўғри келадиган амортизация суммаси 37 079,45 млн сўмни ташкил этади. Жамиятнинг 01.01.2026 йил ҳолатига асосий воситалари бошланғич қиймати 17 388 444,6 млн сўмни, йиғилган эскириш қиймати 6 236 382,5 млн сўмни, қолдиқ қиймати 11 152 062,1 млн сўмни ташкил этиб, қолдиқ қиймати бошланғич қийматининг 64,1% ни ташкил этган:

Кўрсаткичлар (млн сумда)	01.01.2025- йил ҳолатига	йил ҳаракати	давомида	01.01.2026- йил ҳолатига
<i>Асосий воситаларнинг:</i>				
Бошланғич қиймати	17 294 813,03	135 628,21	41 996,67	17 388 444,58
Жамғарилган амортизацияси	4 470 384,35	1 803 077,56	37 079,45	6 236 382,46
Қолдиқ қиймати	12 824 428,68			11 152 062,11

**Номоддий активлар.** 2025 йилда номоддий активларнинг кўпайиши 245,16 млн сўмни, уларга ҳисобланган амортизация суммаси 399,38 млн сўмни, номоддий активларининг 01.01.2026 йил ҳолатига бошланғич қиймати 2 697,7 млн сўмни, йиғилган эскириш қиймати 1 379,5 млн сўмни, қолдиқ қиймати 1 318,2 млн сўмни ташкил этиб, қолдиқ қиймати бошланғич қийматининг 48,9% ни ташкил этади.

Кўрсаткичлар (млн сумда)	01.01.2025 йил ҳолатига	2025 йил кирим	2025 йил чиқим	01.01.2026 йил ҳолатига
<i>Номоддий активларнинг:</i>				

Бошланғич қиймати	2 452,52	245,16	0	2 697,68
Амортизацияси	980,08	399,38	0	1 379,46
Қолдик қиймати	1 472,44			1 318,22

**Инвестициялар.** 2025-йилда “Navoiyazot” АЖ томонидан корхона ва ташкилотларга киритилган узок муддатли инвестициялар ҳолати куйидагича:

(Млн сўм)

Инвестиция киритилган ташкилот ва корхоналарнинг номи	01.01.2025 йил ҳолатига	2025-йил давомида инвестициялар ҳаракати		01.01.2026 йил ҳолатига инвестиция миқдори
		ошиши	камайиши	
«Микрокредитбанк» АТБ	694,20			694,20
“Navoiy Savdo Kompleksi” ОАЖ	400,08			400,08
Навоий ш. “Промстройбанк” АТБ	4 936,70			4 936,70
“Навоийазот” АЖ ТОО Савдо уйи	123,55			123,55
“JV CONTINAZ” МЧЖ Навоий ш.	217 480,44	149 837,77		367 318,22
“Криет дирекцияси” МЧЖ	1 000,00			1 000,00
"LindeNavoiy" МЧЖ ҚК	12 334,38	13 384,4		20 718,83
«Navoiypolyacryl» МЧЖ	166 299,57			166 299,57
“Chemistry International” МЧЖ	24 178,75	15 011,22	39 189,97	0
RKTU Тошкент шахридаги филиали курилиши дирекцияси МЧЖ	8 000,00			8 000,00
"Uzkimyoimpeks" МЧЖ	758,35			758,35
<b>Жами</b>	<b>436 206,04</b>	<b>178 233,43</b>	<b>39 189,97</b>	<b>575 249,5</b>

01.01.2025-йил ҳолатига киритилган узок муддатли инвестициялар 436 206,04 млн сўмни ташкил этиб, 2025-йилда жами киритилган инвестициялар 178 233,43 млн сўмни ташкил этиб, шундан “JV CONTINAZ” МЧЖ устав фондига 149 837,8 млн сўм, “Linde Navoiy” МЧЖ ҚК устав фондига 13 384,4 млн сўм, “Chemistry International” МЧЖ устав фондига 15 011,2 млн сўм киритилган ва ушбу МЧЖ уставидан 39 189,9 млн сўмлик улуши камайган. 01.01.2026 йил ҳолатига жами киритилган инвестициялар миқдори 575 249,5 млн сўмни ташкил этган.

#### Капитал қўйилмалар ҳисоби.

Капитал қўйилмалар ҳисоби 01.01.2025 йил ҳолатига 51 254 204,9 минг сўмлик қолдик қолган бўлиб, 2025 йилда 149 375 176,3 минг сўм қўшимча бўнак берилган, 163 615 906,7 минг сўм қарздорлик тўланган, 01.01.2026 йил ҳолатига 37 013 474, минг сўмлик қолдик қолган. Ушбу счёт ҳаракати бўйича ўрганилганда куйидагилар аниқланди:

Субконто	01.01.2025 йил ҳолатига	2025 йил давомида		01.01.2026 йил ҳолатига
		Дебет	Кредит	
0810	32 659 582 843,20	40 387 052 161,94	54 627 782 551,01	18 418 852 454,13
0820		56 402 411 597,68	56 402 411 597,68	
0821		637 569 543,00	637 569 543,00	
0830	18 594 622 050,00	245 156 428,57	245 156 428,57	18 594 622 050,00
0890		51 702 986 530,78	51 702 986 530,78	
Жами	51 254 204 893,20	149 375 176 261,97	163 615 906 651,04	37 013 474 504,13

**Тавсия:** Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида 2004 йил 20 январда 1299-сон билан рўйхатга олинган, Ўзбекистон Республикаси молия вазирининг 2003 йил 9 октябрдаги 114-сон буйруғи билан тасдиқланган Асосий воситалар тўғрисидаги 5 сонли БҲМС нинг 4 бўлимига амал қилиш. Шунингдек асосий восита ва номоддий активларни харид қилишда капитал қўйилмалар ҳисоб варағидан фойдаланиш тавсия қилинади.

Номоддий активлар тугалланмаган қисми 1 460 000,0 АҚШ доллари, кирим кунидаги ҳисобга олинганда 18 594 622,0 минг сўмни ташкил этган бўлиб, ташкилотнинг инфор­мацион бошқариш тизими (ТИБТ) ҳисобига шаклланган. Ушбу номоддий харажатлари шаклланиши қуйидагича бўлган:

Сана	Кўрсаткичлар	Дебет	
		Счет	Сумма
31.05.2024	Сч.-факт № 1 от 01.05.2024 г.ПУ	0830	4 602 712 050,00
	Информационная система управления предприятием (ИСУП)		
	Terralink Technologies MENA DMCC		
	Контракт № 134 от 17.10.2023		
	В валюте : 365 000,00 USD		
15.10.2024	Сч.-факт № 2 от 10.10.2024 г.	0830	13 991 910 000,00
	Информационная система управления предприятием (ИСУП)		
	Terralink Technologies MENA DMCC		
	Контракт № 134 от 17.10.2023 (Доп.соглашение №1 от 29.03.2024й)		
	В валюте : 1 095 000,00 USD		
			18 594 622 050,00

Таҳлил жараёнида олдинги ҳисобот йилидан қолдиқ қолган ҳолда 2025 йилда тугатилмаган қурилиш ишлари қуйидагича бўлган:

Субконто	01.01.2025 йил ҳолатига	2025 йил давомида		01.01.2026 йил ҳолатига
		Дебет	Кредит	
Цех №056 Окава сувлар станциясидаги 16-камерадан "касаба дурман" каналигача 56-цех орқали кувур утқизиш (ВКТ.550) (570)	44 617 904,07	168 750,00	44 617 904,07	168 750,00
Цех №056 Новая линия хозяйственно-бытовой сточной воды ОУ-1000 (БХО,505) 507	90 742 232,56	939 667 167,54	1 030 055 250,10	354 150,00
ГАСН отч. 0,1% (49)	18 052 237,30	4 528 502,86	22 181 920,45	398 819,71
Цех 050 Место для курения (101.678)(592)	814 257,95			814 257,95
Инвестиционный Проект Организация производства азотной кислоты (227)	114 769 176,26	4 290 271,41	108 354 143,57	10 705 304,10
Получение натрия соьдихлор изосионированная кислота 4536.129 (160)	17 084 971,76			17 084 971,76
Цех № 012 Склад для хранения цианистого натрия (557.40) (479)	22 804 116,48			22 804 116,48
Монтаж трубопровода синильной кислоты из ёмк.ЕД-200корп.550 в ёмк.Р-200 корп.553(МК,1308)(573)	95 182 638,19	4 000 000,00		99 182 638,19
Цех №49 Установка дополнительных фильтров на линии природного газа ГП-25 (МК.1410)(576)	130 663 784,80	206 496 333,33	229 918 263,17	107 241 854,96
Инвестиционный Проект Комплекс производств ПВХ, каустической соды и метанола (197)	36 338 163 338,16	3 721 147 002,55	39 929 091 027,51	130 219 313,20

Цех № 012 Расширение склад серной кислоты корп.№569 пр№569,13- ТХ в цех №012 (476)	108 279 610,35	101 548 827,52		209 828 437,87
Цех №012 Каустик содани саклаш идишлари (557,42)(544)	11 149 412,56	228 785 217,94		239 934 630,50
Расширение склада серной кислоты 569,13- КЖ (438)	177 770 350,44	79 906 014,45		257 676 364,89
Кабельная эстакада для градирни №6,№7 на ВОЦ-4 (250.68)(550)	74 188 644,74	2 730 781 163,08	2 191 253 236,32	613 716 571,50
Инвестиционный Проект Производство аммиака и карбамида (143)	13 954 043 559,53	3 744 513 581,10	15 866 394 661,16	1 832 162 479,47

Текширишда тугалланмаган иш ҳажмларини қўшимча солиқ тўловларини тўламаслик мақсадида ўз вақтида топшириш тавсия этилди.

#### Товар – моддий захиралар ҳисоби.

Жамиятнинг 01.01.2026-йил ҳолатига жами *товар моддий захиралари* қолдиғи 2 410 079,0 млн сўмни ташкил этиб, шундан ишлаб чиқариш захиралари 1 543 925,0 млн сўмни, тугалланмаган ишлаб чиқариши 45 653,5 млн сўмни, тайёр маҳсулотлар қолдиғи 820 500,4 млн сўмни ташкил этади.

Минг сўмда

Кўрсаткичлар номланиши	Сумма	Улуши, %да
Товар моддий бойликлар, шу жумладан	1 543 924 970,29	65,30
Хомашё материаллари, ЁММ ва эҳтиёт қисмлар	1 251 573 768,10	52,93
Инвентарь ва хўжалик моллари	27 793 326,06	1,18
Бошқа материаллар	139 750 291,80	5,91
материаллар	124 807 584,33	5,28
Тайёр маҳсулотлар	820 500 433,78	34,70
<b>Жами</b>	<b>2 364 425 404,07</b>	<b>100,00</b>

**Тавсия:** Товар – моддий захиралар ҳисобини юритишда № 4 сонли «Товар – моддий захиралар» Ўз. Рес. Бухгалтерия ҳисобининг миллий стандарти асосида юритилиши тавсия қилинади.

#### Жамиятнинг хазина муомалари тўғрисида

Жамиятнинг текширишга киритилган даврда касса ҳисоботи, касса ва кирим – чиким ҳужжатларини руйхатга олиш китоби рақамланган ва муҳрланган. Жамиятида нақд пул маблағларини саклаш учун алоҳида хазина хонаси мавжуд бўлиб, хазина хонаси стандартлар асосида жиҳозланган, нақд пул маблағлари темир сандикда сакланади, бу темир сандик жойлашган хона эшик ва деразаларига темир панжара ўрнатилган.

Жамият хазинасига 2025 йил 1 январ куни ҳолатига нақд пул маблағи қолдиғи 43 905,91 минг сўм мавжуд бўлган. Жамият хазинасига 2025 йил 1 январ кунидан 2025 йил 31 декабр кунигача жами бўлиб 2 366 248,20 минг сўм нақд пул маблағлари кирим қилинган бўлиб, ушбу даврда жамият хазинасидан жами бўлиб 2 345 606,79 минг сўм нақд пул

маблағлари жамият банк ҳисоб рақамига чиким қилинган. Жамият хазинасида 01.01.2026 йил ҳолатида нақд пул маблағи қолдиғи 64 547,33 минг сўм қолган.

### Ҳисоб рақамида пул маблағларининг ҳаракати.

Жамиятда текшириш даврида банкда ҳисоб рақами ва махсус ҳисоб рақамлар мавжуд бўлган. Аудиторлик текшируви ўтказиш даврида пул маблағларининг ҳаракати, қолдиқларининг тўғри ақс этирилганлигини аниқлаш мақсадида қуйидаги аудиторлик усуллари қўлланилди:

- банкдаги ҳисоб рақами кўчирмалари ва уларга илова қилинган тасдиқловчи ҳужжатларнинг тўлиқлиги,

- банк ҳисоб рақами кўчирмасидаги маълумотларнинг унга илова қилинган тасдиқловчи ҳужжатлар маълумотлари билан тўғри келиши,

Ҳисоб рақамидаги нақсолик органлариз пулларнинг ҳаракати жамиятда танлов йули билан текширилди.

Жамиятда ОАТБ “Саноат қурилиш банк” Тошкент бош офис филиалида 20210000000429662001 МФО: 00440

сонли асосий ҳисоб рақами сонли ҳисоб, жамиятда ушбу ҳисоб рақам орқали пул ўтказмалари амалга оширилиб келинган.

5100	СЧЕТА УЧЕТА ДЕНЕЖНЫХ СРЕДСТВ НА РАСЧЕТНОМ СЧЕТЕ	3 393 883,76	6 225 733 982,28	6 226 363 400,97	2 764 465,06
5110	Расчетный счет	100 462,37	1 170 481 580,60	1 168 703 374,06	1 878 668,92
5111	Расчетный счет	0,00	0,00	0,00	0,00
5113	Вторичный счёт (УзПСБ)	0,00	3 765 639 078,96	3 764 753 284,92	885 794,04
5114	Суб.счет	0,00	386 774 453,55	386 774 453,55	0,00
5116	Расчетный счет (соц. выплаты 888)	0,00	11 543,82	11 543,82	0,00
5117	Спец счет в УЗПСБ г.Ташкент	3 293 421,39	588 727 940,17	592 021 361,55	0,00
5118	Вторичный счет в АСАКАбанке г.Ташкент	0,00	84 061 586,39	84 061 586,39	0,00
5119	Спец счет в АСАКАбанке г.Ташкент	0,00	228 648 319,34	228 648 319,34	0,00
5120	Специальный счет в Хамкорбанке	0,00	1 389 479,44	1 389 477,34	2,10
5200	СЧЕТА УЧЕТА ДЕНЕЖНЫХ СРЕДСТВ В ИНОСТРАННОЙ ВАЛЮТЕ	104 950 557,02	232 255 437,69	302 240 693,25	34 965 301,46
5222	Депозитный счёт	6 460 240,00	107 675,00	555 250,00	6 012 665,00
5223	Текущий валютный счёт (ПСБ)	0,00	47 317 750,07	47 317 750,07	0,00
5224	Транзитный валютный счёт (ПСБ)	98 137 111,28	75 986 974,81	174 124 086,10	0,00
5226	Валютный кредитный счет (ЕВРО) ПСБ	0,00	6 664 051,67	6 664 051,67	0,00
5227	Текущий валютный счёт (ПСБ) в рос. рубл.	326 560,09	2 102 460,16	2 125 084,73	303 935,53
5230	Валютный счет (транзитный счет для конвертации 002) ПСБ	0,00	56 987 428,82	56 987 428,82	0,00
5232	валютный счет в Трастбанке г.Ташкент	26 645,65	444,11	2 290,16	24 799,60
5233	валютный счет в АКБ Узпромстройбанк г.Ташкент	0,00	42 131 975,76	13 508 074,42	28 623 901,34
5235	Транзитный валютный счет в	0,00	562 850,32	562 850,32	0,00

	АКБ Узпромстройбанк г.Ташкент				
5242	Валютный вторичный счет (ЕВРО) ПСБ	0,00	393 826,97	393 826,97	0,00
5500	СЧЕТА УЧЁТА ДЕНЕЖНЫХ СРЕДСТВ НА СПЕЦИАЛЬНЫХ СЧЕТАХ В БАНКАХ	27 024 422,66	2 808 392 969,83	2 813 341 996,21	22 075 396,28
5512	Аккредитивы в ПСБ	0,00	109 439 508,08	109 439 508,08	0,00
5530	Прочие специальные счета	0,00	38 688 000,00	38 688 000,00	0,00
5535	Спец.счет для конвертации валюты ПСБ	0,00	66 296 391,30	66 296 391,30	0,00
5540	Спец.счет для конвертации валюты АСАКАбанк г.Ташкент	0,00	36 779 198,46	36 779 198,37	0,08
5547	Прочие спец.счета (для транша)	0,00	0,00	0,00	0,00
5552	Прочие спец.счета (для транша)	0,00	0,00	0,00	0,00
5565	Счета учёта денежных средств в ИНП в УзРТСБ	17 104 571,14	281 669 645,57	287 228 874,75	11 545 341,96
5566	Счета учёта денежных средств в Кооперационной бирже	9 633 827,98	202 577 050,20	204 795 682,16	7 415 196,02
5567	Счета учёта денежных средств (eXarid.uzex.uz)	286 023,54	16 549 341,70	14 511 249,06	2 324 116,18
5568	Счета учёта денежных средств в ИНП в Таш ТСБ	0,00	8 290 925,60	8 010 579,52	280 346,08
5569	Счета учёта денежных средств (Минфин)	0,00	1 096 920 000,00	1 096 920 000,00	0,00
5580	Спец.счёт для учёта резервированных денежных средств (для заработной платы)	0,00	629 545 982,57	629 035 586,60	510 395,97
5581	Счёт для учёта денежных средств (корпоративная карта)	0,00	425 629,14	425 629,14	0,00
5590	Счет для краткосрочных кредитов	0,00	17 083 761,50	17 083 761,50	0,00
5595	Счет для краткосрочного кредита (В валюте)	0,00	42 131 975,76	42 131 975,76	0,00
5598	Долгосрочный кредит валютный АСАКАбанк (средства иностран. банка)	0,00	261 995 559,97	261 995 559,97	0,00

Жамиятнинг баланснинг 320-сатрида 01.01.2026-йил ҳолатига пул маблағлари 637 202,2 млн сўми ташкил этиб, шундан 2 764,5 млн сўми жорий ҳисоб рақамида, 34 965,3 млн сўми чет эл валютасидаги пул маблағлари, 599 407,9 млн сўми банкнинг махсус ҳисоб рақамларидаги пул маблағлари бўлиб ҳисобланади.

т/р	Сотиш ва пул маблағларини тушуми	Сумма (млн сўмда)
I	Йил бошидаги пул маблағлари қолдиғи	3 720,5
II	Жами тушум иу жумладан:	9 455 090,9
2.1	Ички сотувдан олинган даромад:	6 427 778,5



	<i>биржа</i>	5 049 061,3
	<i>бошқа маҳсулотлар</i>	1 378 717,2
2.2	Экспортдан (минг долл.да)	137 797,8
	<i>(млн.сўмда)</i>	1 710 930,8
2.3	Банк кредитларини жалб қилиш	1 262 147,2
2.4	Бошқа тушумлар	54 234,4
<b>III</b>	<b>Жами сарф</b>	<b>9 427 029,8</b>
	<i>шу жумладан:</i>	
3.1	Жами асосий харажатлар	<b>4 623 596,2</b>
	<i>Электр энергияси</i>	868 142,60
	<i>Иссиқлик энергияси</i>	60 976,40
	<i>Табийий газ</i>	2 178 476,10
	<i>Темирўл хизмати</i>	47 580,0
	<i>Божхона хизматлари</i>	52 005,0
	<i>Бюджет</i>	697 859,90
	<i>Иш ҳақи (нақд қисми)</i>	718 556,20
3.2	Жами молиявий харажатлар	<b>3 697 231,80</b>
3.2.1	<i>Кредитлар бўйича фоизлар</i>	380 215,10
	<i>шу жумладан Сўмда</i>	129 912,40
	<i>Валютада</i>	250 302,70
3.2.2	<i>Кредитлар бўйича асосий қарзни қайтариши</i>	2 693 572,50
	<i>шу жумладан, сўмда</i>	897 824,30
	<i>валютада</i>	1 795 748,20
	<i>Бюджет ссудаларини қайтариши</i>	623 444,20
3.3	Жами инвестициялар	0,0
3.4	Бошқа харажатлар	1 106 201,8
<b>IV</b>	<b>Йил охиридаги пул маблағлари қолдиғи</b>	<b>31 781,6</b>

*Дебитор қарздорликлари* 01.01.2026-йил ҳолатига 89 645,8 млн сўмни ташкил этиб, ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 365 189,7 млн сўмга камайган. Дебитор қарздорликларни тизимлар бўйича ўтган йилнинг шу даври билан таққослаганда ҳолати қуйидагича:

(млн сўм)

Т/р	Идора ва вазиликлар номи	01.01.2025 й.	01.01.2026 й.	ўтган даврга нисбатан +, -
1	Ички тизим қарзлари	46 163,1	4 896,3	-41 266,8
2	"Ўзагрокимёхимоя" АЖ	93 980,2		-93 980,2
3	"Худудий электр тармоқлари" АЖ			
4	"Иссиқлик электр станциялари" АЖ	149,3	75,2	-74,0
5	"Ўзтрансгаз" АЖ			
6	"Ўзбекнефтегаз" АЖ	3 245,4	109,0	-3136,4
7	"Ўзбекистон темир йуллари" АЖ	140,4	9 498,7	9358,3
8	"Навий КМК" ДК	102 772,4	1 341,9	-101 430,5
9	"Олмалиқ КМК" АЖ		15,5	15,517935
10	Давлат божхона қўмитаси	1 069,1	573,2	-495,8
11	Бюджет	30 608,2	5 462,3	-25 145,9
12	Мақсадли жамғармалар	2,0	2,0	0,0
13	Ички хўжалик ҳисоб-китоблари, даъволар ва дивидендлар бўйича ҳисоб китоблар		1 380,5	-176,2
14	Бошқалар	150 327,1	60 351,8	-89 975,3
	<b>Жами</b>	<b>430 013,90</b>	<b>83 706,40</b>	<b>-346 307,28</b>
	Чет элдаги қарзлар	24 821,70	5 939,30	-18 882,40
	<b>Ҳаммаси</b>	<b>454 835,60</b>	<b>89 645,70</b>	<b>-365 189,68</b>

Иқтисодий суд қарорларига кўра жамият ҳисобига ундирилиши кўзда тутилган "Агрокимёхимоя" АЖнинг вилоят филиаллари, Сайхунобод туманлараро "Қишлоқхўжаликкимё" АЖ ҳамда "Ўзпартаъминот" АЖ ташкилотларининг жами 97 047,5 млн сўмлик дебиторлик қарзи бухгалтерия ҳисоботларида жорий дебитор қарздорлик ҳисобида юритилмасдан, узоқ муддатли кечиктирилган харажатлар (0991 баланс счёти) счётида акс эттирилиб келинган.

### **Жамиятнинг ўз маблағлари манбалари таҳлили**

01.01.2026-йил ҳолатига жами 3 747 962,6 млн сўмни ташкил этиб, шундан Устав капитали 731 971,2 млн сўмни, резерв капитали 685 200,4 млн сўмни, тақсимланмаган фойда 642 639,7 млн сўмни, мақсадли тушумлар 1 497 716,5 млн сўмни, Келгуси давр харажатлари ва туловлари учун захиралар 190 434,9 млн сўмни ташкил этган.

Ўз маблағлари манбалари	01.01.2025 йил	01.01.2026 йил
Устав капитали	483 024 256,9	731 971 152,7
Резерв капитали	687 075 358,9	685 200 356,4
Таксимланмаган фойда (копланмаган зарар)	1 067 911 599,7	642 639 679,4
Мақсадли тушумлар	483 607 132,2	1 497 716 532,6
Келгуси давр харажатлари ва тўловлари учун захиралар	16 057 905,5	190 434 922,8
<b>Ўз маблағлари манбалари бўйича жами</b>	<b>2 737 676 253,2</b>	<b>3 747 962 643,8</b>

Жамиятнинг ягона таъсисчиси Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги томонидан 3 747 962,6 млн сўм устав фонди тўлик молиялаштирилган.

**Узоқ муддатли мажбуриятлари** 01.01.2026 -йил ҳолатига жами 9 817 696,2 млн сўмни ташкил этиб, шундан бошқа узоқ муддатли кечиктирилган мажбуриятлар (балансинг 550 қатори) 938 632,6 млн сўмни, турли мақсадлар учун узоқ муддатли банк кредитлари (балансинг 570 қатори) 7 104 941,1 млн сўмни, узоқ муддатли қарзлари (балансинг 580 қатори) 1 389 301,1 млн сўмни, бошқа узоқ муддатли кредиторлик қарзлари 376 151,2 млн сўмни ташкил этган.

Жорий мажбуриятлари 01.01.2026 йил ҳолатига жами 1 791 576,4 млн сўмни ташкил этиб, шундан 740 сатрида қисқа муддатли қарзлари (6800-счёт) 566 220,7 млн сўмни, жорий кредиторлик қарздорлиги эса 1 225 222,9 млн сўмни ташкил этган.

Жорий кредиторлик қарздорлиги куйидагилар ҳисобига шаклланган:

(млн сўм)

Т/р	Идора ва вазиликлар номи	01.01.2025 й.	01.01.2026 й.	Фарқи, (+,-)
1	Ички тизим қарзлари	13 836,3	283 037,8	269 201,5
2	"Ўзагрокимёхимоя" АЖ	2 403,0	200,0	- 2 203,0
3	"Худудий электр тармоқлари" АЖ	1 527,9	0,0	- 1 527,9
4	"Иссиқлик электр станциялари" АЖ	916 081,1	530 591,2	- 385 489,9
5	"UZGASTRADE" АЖ	772 846,1		- 772 846,1
6	"Ўзбекнефтегаз" АЖ		115,8	115,8
7	"Ўзбекистон темир йуллари" АЖ	1 184,7	2 532,9	1 348,2
8	"Навоний КМК" ДК	1 558,8	28,2	- 1 530,6
9	ИИВ таркибий тузилмалари	803,9	2 214,4	1 410,5
10	ФВВ таркибий тузилмалари	1 484,6	2 080,8	596,2

11	Бюджет	50 953,3	167 066,6	116 113,3
12	Мақсадли жамғармалар	25 341,2	27 053,4	1 712,3
13	Иш ҳақидан қарзлар	266,5	222,9	- 43,6
14	Таъсисчиларга бўлган қарзлар (дивидендлар бўйича)		14 334,8	14 334,8
15	Бошқалар	631 277,5	184 375,0	- 446 902,5
	<b>Жами</b>	<b>2 419 564,9</b>	<b>1 213 853,8</b>	<b>-1 205 711,1</b>
	Чет элдаги қарзлар	17 475,8	11 369,1	-6 106,7
	<b>Ҳаммаси</b>	<b>2 437 040,6</b>	<b>1 225 222,9</b>	<b>-1 211 817,8</b>

**Тавсия:** Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1995 йил 12- май кунидаги «Халқ хужалигида ҳисоб–китоблар уз вақтида утказилиши учун Хужалик ва ташкилотлар раҳбарларининг маъсулиятини ошириш борасидаги чора-тадбирлар тугрисида»ги 1154-сонли фармони талабларига амал қилиш, муддати ўтган дебитор қарздорликка йўл қўймаслик тавсия қилинади.

### “Navoiyazot” АЖ томонидан олинган кредитлар ҳаракати аудити

Жамият томонидан олинган 1 271 385,1 минг АҚШ доллари, олинган кундаги қиймати 7 877 964,5 млн сўмлик бўлган кредит ва ссудалар 28 тани ташкил этиб, 01.01.2025 йил ҳолатига 889 304,7 минг АҚШ доллари, шу кундаги қиймати 12 643 164,2 млн сўмлик кредит ва ссудалар бўйича қарздорлик мавжуд бўлган.

#### **1. "Поливинилхлорид (ПВХ), каустик сода ва метанол ишлаб чиқариш мажмуаси қурилиши" учун АКБ Асака банкдан олинган кредитлар ҳаракати бўйича**

Ушбу лойиҳанинг бажарилиши бўйича жами 442 899,0 минг АҚШ доллари ва 37 001,0 млн сўмлик 4 та кредит олинган бўлиб, 01.01.2025 йил ҳолатига ушбу кредитлар бўйича 356 919,1 минг АҚШ доллари, шу кундаги курс бўйича 4 611 565,9 млн сўм қарздорлик мавжуд бўлган. Ушбу кредитлар бўйича ҳаракатлар қуйидаги бўлган:

Поливинилхлорид (ПВХ), каустик сода ва метанол ишлаб чиқариш мажмуаси қурилиши" лойиҳасининг бажарилиши бўйича олинган кредитлар бўйича 26 614,6 минг АҚШ доллари, тўлов кундаги курс бўйича 339 322,5 млн сўм асосий қарз, 6 709,5 минг АҚШ доллари, тўлов кундаги курс бўйича 85 720,2 млн сўм кредит фоизлари тўланган. 01.01.2026 йил ҳолатига қарздорлик 330 400,0 минг АҚШ доллари, шу кундаги курс бўйича 3 973 169,0 млн сўм мавжуд бўлган.

#### **2. "Аммиак ва карбамид ишлаб чиқариш мажмуасини қурилиши" учун АКБ Асака банкдан олинган кредитлар ҳаракати бўйича**

Ушбу лойиҳанинг бажарилиши бўйича жами 650 382,8 минг АҚШ доллари ва 2 858 806,8 млн сўмлик 6 та кредит олинган бўлиб, 01.01.2025 йил ҳолатига ушбу кредитлар бўйича 286 286,7 минг АҚШ доллари, шу кундаги курс бўйича 4 851 881,7 млн сўм қарздорлик мавжуд бўлган. "Аммиак ва карбамид ишлаб чиқариш мажмуасини қурилиши" лойиҳасининг бажарилиши бўйича олинган кредитлар бўйича 138 272,6 минг АҚШ доллари, тўлов кундаги курс бўйича 1 747 590,0 млн сўм асосий қарз, 14 818,4 минг АҚШ доллари, тўлов кундаги курс бўйича 174 123,4 млн сўм кредит фоизлари тўланган.

01.01.2026 йил ҳолатига қарздорлик 197 988,4 минг АҚШ доллари, шу кундаги курс бўйича 2 380 875,3 млн сўм мавжуд бўлган.

**3. "Азот кислотаси ишлаб чиқаришни ташкил этиш" учун АКБ Ўзсаноатқурилишбанкдан олинган кредитлар ҳаракати бўйича**

Ушбу лойиҳанинг бажарилиши бўйича жами 112 204,5 минг АҚШ доллари ва 759 361,2 млн сўмлик 3 та кредит олинган бўлиб, 01.01.2025 йил ҳолатига ушбу кредитлар бўйича 79 241,4 минг АҚШ доллари, шу кундаги курс бўйича 1 023 836,5 млн сўм қарздорлик мавжуд бўлган. "Азот кислотаси ишлаб чиқариш мажмуасини қурилиши" лойиҳасининг бажарилиши бўйича олинган кредитлар бўйича 29 672,8 минг АҚШ доллари, тўлов кундаги курс бўйича 371 085,4 млн сўм асосий қарз, 7 249,2 минг АҚШ доллари, тўлов кундаги курс бўйича 91 426,5 млн сўм кредит фоизлари тўланган. 01.01.2026 йил ҳолатига қарздорлик 51 072,0 минг АҚШ доллари, шу кундаги курс бўйича 614 157,5 млн сўм мавжуд бўлган.

**4. Асосий фаолият учун олинган кредитлар ҳаракати бўйича**

Асосий фаолият учун жами 41 349,8 минг АҚШ доллари, 24 549,0 минг юань ва 66 795,5 млн сўмлик 8 та кредит олинган бўлиб, 01.01.2025 йил ҳолатига ушбу кредитлар бўйича 21 814,5 минг АҚШ доллари, шу кундаги курс бўйича 281 854,4 млн сўм қарздорлик мавжуд бўлган. 2025 йил давомида олинган кредитлар бўйича 18 735,7 минг АҚШ доллари, тўлов кундаги курс бўйича 239 466,4 млн сўм асосий қарз, 1 995,8 минг АҚШ доллари, тўлов кундаги курс бўйича 25 263,1 млн сўм кредит фоизлари тўланган. 01.01.2026 йил ҳолатига қарздорлик 14 324,4 минг АҚШ доллари, шу кундаги курс бўйича 172 255,6 млн сўм мавжуд бўлган.

**5. Молия Вазирлиги томонидан ажратилган ссудалари ҳаракати бўйича**

Молия Вазирлиги томонидан жами 4 156 000,0 млн сўмлик 7 та ссуда олинган бўлиб, 01.01.2025 йил ҳолатига ушбу кредитлар бўйича 1 874 025,6 млн сўм қарздорлик мавжуд бўлган. 2025 йил давомида олинган ссудалар бўйича 533 287,0 млн сўм асосий қарз, 90 157,3 млн сўм фоизлари тўланган. 01.01.2026 йил ҳолатига ссудалар бўйича 1 879 738,6 млн сўм қарздорлик қолган.

Жамият . 2025 йил давомида олинган кредитлар ва ссудалар бўйича 256 535,5 минг АҚШ доллари, тўлов кундаги курс бўйича 3 230 751,3 млн сўм асосий қарз, 38 078,4 минг АҚШ доллари, тўлов кундаги курс бўйича 466 690,4 млн сўм кредит фоизлари тўланган. 01.01.2026 йил ҳолатига шу кундаги эквивалентда 750 099,7 минг АҚШ доллари, шу кундаги курс бўйича 9 020 196,0 млн сўм кредит ва ссудалар бўйича қарздорлик қолган.

**Солиқлар ва бошқа мажбурий тўловлар тўғри ҳисоблаб чиқилиши ва тўланишини тахлили.**

Текширишда жамиятнинг 2025 йил давомида бюджет ва бюджетдан ташқари жамгармаларга ҳисобланган солиқ ва ажратмалари тахлил қилинганда қуйидагилар аниқланди:

Млн сўм

Кўрсаткичлар номи	2025 йил		
	Ҳисобланди	Тўланди	Шундан туланган ПЕНЯ
<b>Жами</b>	<b>845 717,3</b>	<b>703 057,3</b>	<b>4 441,3</b>
Юридик шахслардан олинган фойда солиғи	206 355,5	98 994,7	532,6

Жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғи	87 923,5	87 005,6	364,2
Қўшилган қиймат солиғи (ҚҚС)	287 119,3	263 753,7	1 857,5
Импорт килинган иш ва хизматлардан олинган қўшилган қиймат солиғи (ҚҚС)	610,0	755,3	53,8
Сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқ	14 442,7	1 296,9	-
<i>Кармана тумани</i>	<i>13,5</i>	<i>1,0</i>	
<i>Навоий шахри</i>	<i>14 426,3</i>	<i>1 291,4</i>	
<i>Конимех тумани</i>	<i>2,9</i>	<i>4,5</i>	
Юридик шахсларнинг мол-мулкига солинадиган солиқ	101 383,7	114 573,5	1 032,00
<i>Жондор тумани</i>	<i>62,5</i>	<i>43,9</i>	<i>0,04</i>
<i>Кармана тумани</i>	<i>242,7</i>	<i>329,4</i>	<i>7,83</i>
<i>Навоий шахри</i>	<i>100 613,5</i>	<i>113 727,1</i>	<i>1 018,35</i>
<i>Зомин тумани</i>	<i>60,0</i>	<i>60,5</i>	<i>0,07</i>
<i>Конимех тумани</i>	<i>48,1</i>	<i>58,1</i>	<i>1,66</i>
<i>Косон тумани</i>	<i>166,5</i>	<i>189,1</i>	<i>3,90</i>
<i>Қизилтепа тумани</i>	<i>190,3</i>	<i>165,3</i>	<i>0,15</i>
Юридик шахслардан олинадиган ер солиғи	48 371,4	38 592,5	218,9
<i>Жондор тумани</i>	<i>27,1</i>	<i>27,1</i>	<i>0,03</i>
<i>Кармана тумани</i>	<i>8 928,9</i>	<i>5 895,2</i>	<i>21,86</i>
<i>Навоий шахри</i>	<i>38 800,5</i>	<i>32 054,5</i>	<i>196,22</i>
<i>Зомин тумани</i>	<i>120,0</i>	<i>120,1</i>	<i>0,14</i>
<i>Конимех тумани</i>	<i>122,7</i>	<i>123,0</i>	<i>0,15</i>
<i>Косон тумани</i>	<i>115,5</i>	<i>115,6</i>	<i>0,13</i>
<i>Қизилтепа тумани</i>	<i>256,6</i>	<i>257,0</i>	<i>0,36</i>
Ижтимоий солиқ	86 830,0	86 302,2	382,2
Бошқа солиқлар	1 124,7	226,4	0,02
<i>Дивиденд тариқасида олинган даромадларга солинган солиқ</i>	<i>1 115,1</i>	<i>216,8</i>	
<i>Чет эл юридик шахслари даромадидан олинадиган солиқ</i>	<i>9,6</i>	<i>9,6</i>	<i>0,02</i>
Дивиденд тўловлари	11 556,6	11 556,6	

### **СУВ РЕСУРСЛАРИДАН ФОЙДАЛАНГАНЛИК УЧУН СОЛИҚ**

